



Journal of Natural Sciences

№2
(2021)

<http://www.natsciences.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор4. Султонов М-к.ф.д, доц5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.6. Хакимов К –г.ф.н., доц.7. Азимова Д- б.ф.н.8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчиб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Sciences-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

“ОРГАНИК КИМЁ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ
КОММУНИКАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ
ЎРНИ ВА АХАМИЯТИ

З.О. Собирова

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация. Мақолада “Органик кимё” фанини ўқитишда ахборот коммуникация ва педагогик технологияларнинг ўрни ва ахамияти ҳақида тушунчалар, интернет маълумотлари ёрдамида тайёрланган видеоролик ҳамда анимациялар орқали тушунтириш методикаси ҳамда уларнинг ахамияти келтирилган.

Калит сўзлар: Ахборот коммуникация, интерфаол методлар, педагогик технология.

Аннотации. В статье дается обзор роли и важности информационных и коммуникационных технологий в преподавании «Органической химии», методов их объяснения с помощью видеороликов и анимаций, созданных с использованием данных из Интернета, а также их важности.

Ключевые слова: информационная коммуникация, интерактивные методы, педагогические технологии.

Annotation. The article presents the concepts of the role and importance of information and communication technologies in the teaching of "Organic Chemistry", the methodology of explaining them through videos and animations made using Internet data, and their importance.

Keywords: Information communication, interactive methods, pedagogical technology.

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълимнинг барча босқичларида ислоҳ қилиш асосий вазифа қилиб белгиланади. Ислоҳ қилишнинг энг муҳим томонларидан бири-ўқув тарбия жараёнига ахборот технология ва илгор педагогик технологияларни жорий қилиш ҳисобланади. “Органик кимё” фани ўқувчиларда қийин ўзлаштирадиган фан бўлганлиги учун уни ўқитишда ахборот коммуникация ва педагогик технологияларидан фойдаланиш ҳамда уларни жорий қилиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мамлакатимиз таълим тизимида ҳозирги вақтда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда, чунки таълимни ривожлантириш тенденцияси таракқий этаётган барча мамлакатлар учун хос бўлган умумий хусусиятдир. Бундай босқичда халқ хўжалиги учун ўзининг танлаган касби бўйича билимдон, муаммолар

ечимини мустақил топа оладиган эркин фикрловчи, тадбиркор, етук мутахассислар керак. Бундай мутахассисларни тайёрлаш учун олинган назарий билимларни амалиётга қўллаш ва фандаги янги илмий муаммоларни мустақил эгаллаш кўникмасига эга бўлиш талаб қилинади. Чунки бугунги кунда таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, таълим мазмунини такомиллаштиришга оид қабул қилинган давлат қарорлари таълимни ҳаёт билан боғлашни, ўқитиш самарадорлигини оширишни, тез таракқий этиб бораётган жамият учун ҳар томонлама шаклланган баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришни талаб қилади .


“Органик кимё” фанида интернет маълумотларидан фойдаланиш, ўқувчиларни гуруҳда ўз фикрларини баён қилишга, мустақил фикрлашга ва ишлашга, топқирликка, ҳозиржавобликка ўргатади. Уларнинг “Органик кимё” фанига бўлган қизиқишини оширади. Ўқувчиларни фаолликка ундайди. Шунинг учун “Органик кимё” фанини ўқитиш жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш ва уни такомиллаштириш масаласини ҳар жиҳатдан таҳлил қилиб ёритиш мақсад қилиб олинади.

Таълим жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини оширишга бўлган қизиқиш, эътибор кундан кунга кучайиб бормоқда.

Ахборот инновацион технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари:

- инновацион технологиялар ҳар доим ўқувчи ва талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини орттиради;
- инновацион технологияларни қўллаш жараёнида ўқувчи ва талабанинг мулоқот маданияти ривожланади;
- инновацион технологиялар ўқувчи ва талабалар иқтидорини, билимини намоён этади;
- ўқувчи ва талабаларнинг ижобий ҳислат ва фазилатларини шакллантиради.


Нефтни қайта ишлаш заводининг кўриниши ва ундан ажратиб олинadиган маҳсулотларни интернет маълумотларидан фойдаланиб тайёрланган анимацион кўринишини намоёиш қиламиз.



<https://www.youtube.com>

Нефтни қайта ишлаш жараёнини лаборатория шароитида ҳам қисман бажариш мумкин. Ўқувчиларга ушбу жараёни, яъни лаборатория машгулотини интернет маълумотларидан фойдаланган ҳолда тайёрларган видеоролик кўринишида тақдим этамиз:





Хулоса қилиб айтганда, “Органик кимё” фанини ўқитишда, (Инсерт) методлари таълим сифатини ошириш, талабаларнинг фаоллигини ўстириш, шунингдек ўзининг фикрини эркин баён қилишга ва кўникма ҳосил қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И. Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” Тошкент.: “Ўзбекистон” 2012 й. – 8 б.
2. З. Холиқова “Педагогик инновациялар ва уларнинг ўзига хос жихатлари” Таълим муаммолари № 1. 2010. 48 – 49 б.
3. Интернет маълумотлари <https://www.youtube.com>